



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

2-яил чиқиши,
10 АПРЕЛЬ 1967 й.
ДУШАНБА,
№ 84 (239).
БАҲОСИ 2 ТИЯИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугун Ўзбекистон КП Марказий Комитети мажлислар залида Тошкент шаҳар партия комитети пленуми очилди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари В. В. Окунский „Юбилей йилида Тошкент шаҳрини реконструкция қилиш ва қуриш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида“ доклад қилди.

Газетамиз чиққан вақтда довлдани муҳокама қилиш давом этмоқда эди. Шаҳримизнинг ҳозирги ва эртанги кўни тўғрисида, уни қайта тиклаш ва янада юксалтириш борасида партия ташкилотининг вазифалари юзасидан қизғин фикрлашув бормоқда.

„Тошкент оқшоми“нинг бугунги сони ҳам шу темага бағишланган.

Тошкентнинг эртанги янашам

«Москва бирданига қурилмаган» деган мақол бор. Тошкентнинг қандай қурилганлигини бир архив ҳужжатидан кўз олдимизга келтирсак бўлади. 1870 йилда шаҳар дўмаси бюджет комиссиясининг аъзоларидан бири ўзининг докладыда қуйидагича ёзган:

«ШАҲАРНИНГ ОСИЕЛИКЛАР ЯШАЙДИГАН ҚИСМИДА БИРОРТА ҲАМ ЛАМПА ЙУҚ, КУЧАЛАРИДАН УТИ БУЛМАЙДИ, КУПРИКЛАРИ ҲАДДАН ТАШҚАРИ ЕМОН, НАСАЛХОНА ЙУҚ, УМУМАН, ШАҲАРНИНГ БУ ҚИСМИ ИБТИДОИЯ ҲОЛАТДА.»

1925 йилга таалуқди архивдан олинган яна бир сарғайиб кетган қоғоз. Бу Тошкент шаҳар Советининг аҳоли олдида берган ҳисоботидан. Бунда халқ депутатлари озгина бюджетдан қурилиш мақсадлари учун атиги 37 миң сўмини зўр-базўр ажратиб қолганликларини хабар қиладилар. Бу пулга бир-икки кўчага тош терилган ва бир неча уй қурилган. Ота-боболаримиз Тошкентнинг дастлабки қиёфасини ана шундай тарзда вужудга келтирганлар.

Энди ҳозирги кунимизга назар ташлайлик; шаҳарнинг 1967 йилги бюджети 224 миллион сўмини ташкил қилади, бундан фақат ободончилик учун 1 миллион 160 миң сўм, турар жой бинолари қуриш учун 59 миллион сўм ажратилган.

Ҳозирги пайтда, ҳурматли ҳамшаҳарлар, совет давлати ҳаётида энг шонли

воқеа арафасида — Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида турибмиз. Бу тантанали сана арафасида мамлакат бўйича унча сезиларли бўлмаса ҳам, лекин сиз билан биз учун катта байрамни — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг туғилганига ярим аср тўлишини нишонлаймиз. Бизнинг шаҳарда Советлар Петрограддан атиги етти кун кейин. Урта Осиёда биринчи бўлиб бутун ҳокимиятни қўлга олган.

Тошкент шаҳар Совети большевиклар партиясининг раҳбарлигида граждандлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида кенг меҳнаткашлар оммасини Октябрь галабаларини ҳимоя қилиб қолишга сафарбар этди. Шаҳар Совети ўзининг ярим асрлик фаолияти даврида тошкентликларнинг талаб ва истакларини амалга ошириб келди.

Ўзбекистон республикасининг пойтахти Тошкентнинг аҳолиси кейинги йилларда анча кўпайди. Агарда революцияга қадар шаҳарда 256 миң киши яшаган бўлса, ҳозирги пайтда 1 миллион 250 миң киши яшамоқда.

Бу давр ичда революцияга қадар 62 квадрат километр майдонни ташкил

МЕҲНАТКАШЛАР-ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ Ҳ. А. АСОМОВ БИДАН СУҲБАТ

Этган шаҳар территорияси кенгайди, ҳозир унинг майдони 20 миң гектарни ташкил этади.

Тошкентни ободонлаштириш соҳасида, айниқса, турар жой масаласини ҳал қилишда катта галабаларга эришилди. Пойтахт шаҳар шу даражада ўсиб ва ўзгариб кетдики, уни янги қурилишлар шаҳри деса бўлади. Шаҳар аҳолисининг 50 процентдан кўпроги яшаётган 100 миңдан ортқ квартиралар газлаштирилган, шаҳар водопровод тармоғи йилдан-йилга кенгаймоқда.

Шаҳарда янги қурилиш массивлари — Чилонзор, Високовольный ва бошқалар вужудга келди. Шаҳарда «Тошкент», «Россия» каби муҳташам меҳмонхоналар қад кўтарди.

Шаҳарни социалистик асосда қайта қуриш биринчи навбатда унинг эски шаҳар деб аталган қисми билан янги шаҳар қисми ўртасидаги фарқни йўқотишга қаратилган эди. Тошкент ҳақиқий социалистик шаҳар қиёфасини олди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тошкентликларнинг истак ва талабларини амалга ошириш учун ҳар доним катта ғамхўрлик қилиб келдилар. Шаҳ-

римизнинг қайта қуриш Бош плани

Улуғ Ватан уру-

шидан аввал ишлаб чиқилган эди. Лекин бу план амалга ошмай қолди. Мамлакатимиз учун даҳшатли кунларда биз ёвуз душман устидан галабани таъминлаш йўлида кураш олиб бордик. Галабадан сўнг эса, энг асосий бурчимиз фашистлар томонидан вайрон қилиниб, кули кўкка совурилган шаҳар ва қишлоқларни қайта бунёдга келтиришда биродарларимизга ёрдам бериш бўлиб қолди.

Лекин гитлерчилар томонидан батамом вайрон этилган Волгоград ва Минск каби шаҳарлар ўзларининг ҳозирги улуғвор ҳолига келтирилмасдан, меъморлар Тошкентнинг янги Бош планини тузишга киришган эдилар. Бу план эндигина амалга оширила бошлаганда зилзила бўлиб қолди.


Бу ерда бизнинг қайғумизга ҳамлард бўлиб, пролетар интернационалиزم ва ленинча халқлар дўстлиги руҳида тарбияланган кўп миллатли совет оиласининг ёрдамга келганлигини тақрорлаб ўтиришининг ҳожати йўқ.

Ҳозир бизнинг шаҳримизни қудратли ва бепоён совет Ватанимиз бунёд этмоқда. Биз Ватанимизнинг гоят-катта ғам-

хўрлигини ҳамда қардош халқларнинг юрак ҳароратини сезиб турибмиз. Табиий офат юз берганига бир йил тўлмасданок Тошкент ва қардош республикалар бинокорларининг қўли билан деярли бир миллион квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари қад кўтарди. Яна бир миллион икки юз миң квадрат метр уй-жой шу йилнинг ўзида қурилади. Беш йиллик мобайнида эса тошкентликлар 6 миллион квадрат метрга яқин турар жой оладилар. Бундай қурилиш суръати жаҳон қурилиш тарихида қурилмаган эди!


Дарвоқе, бу улкан план тўғрисида бугун архитекторларимиз, инженерларимиз ва лойиҳачиларимиз батафсил ҳикоя қилиб берадилар.

Партия ва ҳукуватимизнинг Тошкентнинг келажаги тўғрисида тинмасдан ғамхўрлик қилаётганликлари, қурилиш ва реконструкция қилишининг бу улуғвор программасини бирма-бир ишлаб чиқишда мамлакатимизнинг энг яхши меъморлари қатнашганликлари, янги Тошкентни қуришда улуғ Ватанимизнинг барча қардош республикалари мадал бераётгани шаҳримизнинг ўзимиз орзу қилган каби тўзал бўлишининг гаровидир.



Суратда: республика Кардиология ва кўрак хирургияси маркази. Лойиҳа авторлари: В. Артемов, О. Газенкоф, М. Коңдакова. Лойиҳа устида ҳозир иш олиб борилюқда.

Ундаги суратда: Ленин номли майдондаги маъмурий бино.



Бу макетта бир назар ташланг. Бу жонажон шахримизнинг яқин келажакдаги манзараси. Тугррироғи, шахримиз бир қисмининг келажакдаги манзараси. Чунки шахримиза территорияси 20 минг гектардан ортиқ, макетта эса бир ярим минг гектар майдон манзараси тасвирланган. Бу шахримиз марказининг булани-жамонидир.

Макетта ҳаммамизга таниш бўлган Революция хийбонини излаб топинг. Ун етти қаватли «Интурист» меҳмонхонаси шу ерда қад қўтарди. Винонинг югловини ҳозирдаёқ Пушкин кўчаси бурчагида. Савдо министрининг собиқ биноси урида қазилмоқда. Кенг яшил эспланада шу хийбондан бошланиб (архитекторлар инициаторларини содда, енгил ва гузаллигини таъминлаб, эспланада деб атайдилар) Анхордан ўтиб, Навоий кўчаси бўйлаб, Оқунобобоев майдонига тугайди. Бу шахар марказининг асосий композицион ўзгадир.

Ўйбдаларгина юрадиган, баъзан жойларда эин 300 метрга етатдиган бу проспекта сайр қилиб юриб, бирнеча йилдан сўнг йирин архитектура инициаторларини ҳавас билан томошаси қиланга. Савдо маркази, Шарифа энг катта — 2500 ўринли «Осиё» ресторани, Ленин майдонига улуғвор маъмурий бинолар қад қўтарди.

Ленин майдонининг гарбида эса стадион. Лекин макетдаги ҳозирги «Пахтакор» стадионив эмас. Бу ерда 100 минг ишчи енгидиган қилиб қайта реконструкция қилинган стадион бўлади. Аслида бу бутун бир спорт шахарчаси бўлади. Унда 15 минг томошалонга мулкитланган спорт зали, усти очил ва ёпиқ бассейлар қурилади. Хуллас, Тошкент маркази, Ленин майдони милоти гузал бўлади.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ШАХАР

... Константин Паустовский «Қора денгиз» повестида шахарнинг қандай бўлишини шоирона ифодалаган эди.

«ШАХАР ГУЗАЛЛИКДА АСРЛАР ДАВОМИДА ГУРКИРАБ ЯШАГАН УРМОНЛАР, БОҒ-РОҒЛАР, ДЕНГИЗЛАРДАН ҚОЛИШМАСЛИГИ КЕРАК. ШАХАР ОДАМИНИНГ ЮРАГИНИ СИҚМАСЛИГИ, ОНГИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ. БИЗ УНДА ШУНЧАКИ ЯШАМАСДАН, УНГА ЕР-ДУСТЛАРИМИЗ, КИТОБЛАР ВА ИШЛАРИМИЗ ТУЛИБ ЕТГАН ЖОНАЖОН УЙИМИЗГА КИРИБ БОРГАНДЕК КИРИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК. ШАХАРЛАРНИ ШУНДАЙ ҚУРИНГИКИ, УЛАР БИЛАН ФАХРЛИНИШ МУМКИН БУЛСИН... ШАХАРДА ИШ-ЛАШ БИЛАН БИРГА ФИКР ЮРГАЗИШ ВА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ МУМКИН БУЛСИН, ШАХАР ШОҒИНИ, ТРАМВАЙЛАР ГИЗ-ГИЗИ АСАБЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛМАСИН.»

Катта шахар — бу жуда мураккаб организм. Бу ердаги ҳар бир қурилиш бир-бири билан қаттиқ боғланган бўлиши, бинолар илмий асосланган бўлиши керак. Уй-жой бинолари, саноят корхоналари, транспортлар ҳамма-ҳаммасини инсон учун ниҳоятда қулай қилиб фойдаланиш керак.

Бугун бизларга шахар архитектура лойиҳалаш беш бешмакиннинг инженерлиги усуналари бошқармаси бошлиғи М. Ф. Корвин шахар қурилиши ҳақида қисқача гапириб беради.

ган вақт ҳам, йўл ҳам қисқаради. Бундан ташқари бу йўллар шахардан ташқарига қатнайдиган автомобиллар учун ҳам жуда қулай бўлади. Шундай магистраллардан бири Қоразамшадан турар-жой массивдан Жанубий-шарқий санюат районига борадиган 17 километрлик йўл бўлади. Бу кенг ва текис йўлда машина ҳаракати ҳеч нарса тўсиқ бўлаётмайди. Машиналар тез қатнайдиган бундай магистрал бошқа кўчалар билан кесичган жойларда ҳаракат учун қулайликлар яратилади. Улар ласт-баланд бўлиб ўтиб, бир-бирларига ҳалақит бермайдиган бўлади. Бундай магистраллар қурилиши бошланди. Беш йиллик планда 1970 йилгача Дружба проспекти, Самарқанд дарвоза кўчаси Черчанцев ва Титов кўчалари ҳам қуриб тугатилви керак. Бу кўчаларнинг битиси шахар марказиданги кўчалар ҳаракатини анча енгиллатади. 1980 йилга бориб, шахардаги яна бошқа энг катта асосий кўчалар ва транспорт узеллари ҳам қуриб тугатиш кўзда тутилмоқда.

ТРАНСПОРТ ВА «СТРЕСС» МАСАЛАСИ

ЕКИН транспорт масаласи ҳам биринчи ўрнида туради. Гапнинг қисқасини айтганда, биз ҳаммамиз йўловчилармиз. Ҳар бир шахарлик 100 йил аввал ўтган ўз аждоғига нисбатан шахар бўйлаб 25 марта кўпроқ юради. Тахмин ҳисобларга қараганда, ҳар бир тошкентлик бир йилда 416 бор транспортга тўшади. 1800 километр масофани босади. Бу тахминан Тошкентдан Қуйоншөгача бўлган масофадир. Шаҳар кўчаларидаги умумий транспортнинг ҳаракати ўрта ҳисобда бир соатда 16 километрдан ошмайди.

Бу соатлар ўришга, спорт билан шугулланишга, ҳордиқ чиқаришга сарфланса ҳам булар эдику, 1980 йилга бориб эса, Тошкент шахари аҳолисининг ҳаракати яна ҳам ўсади. Ҳар бир тошкентлик бир йилда 700 та транспортга тўшади. Агар шахар транспорт ҳаракати қайта қўриб чкилмаса, унда ҳар бир одам (беш кунлик иш кунини ҳисобга олганда) бир ой мобайлида ишда қанча вақт бўлса, йўлда ҳам ана шунча вақт йўқотган бўлади. Шаҳар транспортда юриш, ҳар қандай одамга жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам таъсир қилади. Асабларига зарар етказиши, чарчатади. «Транспорт чарчоғи» дейишда медицина ходимлари баъзи пайтда Катта шахарларда яшайдиган аҳолининг бундай касаллигини маҳсус термин билан «стресс» деб ҳам аташади.

Кўчаларни қайта қурамиз

Тошкентнинг кўчига районлари оскина қурилган. Бу эса шахар транспорт ҳаракатига анчагина қийинчилик тугдирди. Асрлар давомида юзага келган эски кўчалар пилдалар юришга, суворилар ўтишга, эшак арава туя аравалар ўтишга мосланган эди. Эски Тошкентнинг кўча ва жин кўчалари шахарни жуда кичкина кварталларга бўлиб ташлаган эди. Шу сабабли ҳам ҳар юз-иқки юз метр масофада муйилиш келиб қолади. Унда ташқари кўчалар илон зигзаг ўхшаб эгри-бугри тушганлиги ҳам анча нукулай. Натикада тортина майдончага беш олти кўча чечиб туташди. Мана шу нукулай тор кўчаларда ҳозирги пайтда жуда кўп миқдор

даги тез юрар транспортлар қатнайдиган бўлиб қолди. Саъздан қўрилиб «турбодини, шахримизнинг кўчалари транспорт ҳаракатига сира қўл келмайди. Биз яна шунинг қайта қилмоқчимизки, Тошкентдаги кўчалар бутун дуйбалаги эски шахарларнинг кўчалари каби ҳозирги шахар ҳаракати ва транспорт қатнови талабларига мувофиқ янавоқ бермайди. Солдароқ қилиб тушинтирганамизда, шахардаги ҳаракатлар худди темир йўлдаги харакатларга ўхшаб кетади.

Яқин келажакда эгри-бугри, қинғир-қийиниқ тор кўчалар билан тулиб кетган Тошкентнинг қадимги кўралиши бутунлай ўзгаради. Унда замонавий магистраллар, кафтдек текис узун кўчаларни қўриш мумкин бўлади. Бу кўчаларнинг баъзиларининг кенглиги 140 метрга етади.

ОЙТАХТ қайта қуриладган унда асосан учта узунаси ва иккита кўндаланг кетган магистраль кўча бўлади. Бу текис ва узун кўчалар — магистраллар марказга келадиган йўл ҳаракатини осонлаштиради. Олис районларини бир-бирига аяқиялаштиради. Натикада кетади-

ЕР ОСТИ ЙЎЛЛАРИ

БВАЛЛАРИ жуда кўп фожалии воқеалар. Ленин ва Забенистон кўчалари чорраҳасида юз берарди. Деярли ҳар кунни рўйхатга оллар эди бундай хабарлар. Бунага ажабланмаса ҳам бўлади.

Ахир бу ерда одамлар ва транспорт одимини дамбадам тўқнашиб турар эди. Ҳаракати энг тажрибали миллионерлар кузатиб туришларига қарамай, одамлар йўлни кесиб ўтаверар, машина тағида қилиб кетиш хавфидан ҳам қўчимас эдилар. Бу чорраҳа ер тағидан йўл ўтказилгандан кейингина тивчиди.

Транспортлар ҳаракати тезлашти, шибдалар эса хавфсиз йўлдан бемалол юраредилар.

Кўча остиданги тротуарлар, бундай йўллар шахримизга жуда ҳам керак бўлиб қоляпти. Ҳозирнинг ўзидайқ пилдалар юрадиган учта тоннель қурилган.

ТРАМВАЙ

ЕЧАГИ трамвай эртага ҳам зарур. У шахар транспортини г ветерани ҳисобланади. Трамвай инзининг биринчи релслари 1913 йилда ётқизилган. Бироқ трамвай аскириб қолятгани йўки, У ҳар томонлама қулайликларга эга. Унинг бошқа транспортларга нисбатан қатор афзалликлари бор. Аввало унга кўп одам синади. Уни қўришга ҳам нисбатан озроқ маблағ сарфланади. Тарифи ҳам арзон. Автомобиль транспортини ниҳоятда ривож топган Гарбий Европа шахарлари ва Америка шахарларида трамвайга алоҳида аҳамият берилмоқда. Италия ва Германия Федератив Республикасига ўхшаб мамлакатларда

О ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР. О ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР.

Ҳар бир ишчи ҳисобига сув сатҳи 0,6 квадрат метрга, шахар атрофидаги боғларда барпо қилинадиган сув ҳавузларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 2 квадрат метрга етади.

1970 йилгача маъмури боғлар, сиверлар ва хийбанлар реконструкция қилинади ва янчилар барпо этилади. Жануби-Гарбий районда-

ри боғ, Ленин комсомоли номи боғ, Навоий ва Лабзан кўчалари ўрасидаги янги яшил массив, «Победа» боғи, Ботаника боғи, Анхор, Бўржа, Бўзсув каналлари киргоқларидаги даракторлар билан ўзаро бирлашди ва шахар марказидаги яшил зонани ташкил этади.

Ҳар бир ишчи ҳисобига электр қуввати сонфи 1970 йилга бориб йилгига 232 киловатт соатдан 1150 киловатт соатга етади.

Шаҳар марказида транспорт ҳалқаси барпо қилиш мақсадида Узбенистон, 1 Май, Лохутий, Фурият кўчаларини очиш ва кенгайтириш планлаштирилган.

О ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР. О ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР.



Суратда: «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг бир группа лойиҳачи архитекторларидан Л. Голубов, А. Шабалина ва М. Кондакова ўртоқлар янги лойиҳалар устида ишламоқдалар.

М. Нуриддинов фотосж.

